

ПОКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАШҚИ СИЁСАТИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАР ТАҲЛИЛИ

Умирзоқов Жасур Умирзоқ ўғли

Мустақил изланувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7106640>

Аннотация. Ушбу мақолада муаллиф Покистон Ислom Республикасининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасининг ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилишга ҳаракат қилади. Асосий эътибор Покистоннинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсий фаолияти истиқболлини етакчи давлатлар манфаатлари кесимида таҳлил қилишга қаратилади.

Калит сўзлар: ташқи сиёсат, давлатлараро муносабат, Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси, АҚШ, Россия, Хитой, Эрон, Саудия Арабистони, Рокистон, Ҳиндистон.

АНАЛИЗ ВЕДУЩИХ СТРАН, ВЛИЯЮЩИХ НА ВНЕШНЮЮ ПОЛИТИКУ ПАКИСТАНА В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Аннотация. В данной статье автор пытается проанализировать роль и значение Центральноазиатского региона во внешней политике Исламской Республики Пакистан. Основное внимание будет уделено анализу перспектив внешнеполитической деятельности Пакистана в Центральной Азии в интересах ведущих стран.

Ключевые слова: внешняя политика, межгосударственные отношения, регион Центральной и Южной Азии, США, Россия, Китай, Иран, Саудовская Аравия, Пакистан, Индия.

AN ANALYSIS OF LEADING COUNTRIES INFLUENCING PAKISTAN'S CENTRAL ASIAN FOREIGN POLICY

Abstract. In this article, the author tries to analyze the role and importance of the Central Asian region in the foreign policy of the Islamic Republic of Pakistan. The main attention will be paid to the analysis of the prospects for Pakistan's foreign policy activities in Central Asia in the interests of leading countries.

Keywords: foreign policy, interstate relations, Central and South Asian region, USA, Russia, China, Iran, Saudi Arabia, Pakistan, India.

КИРИШ

Ҳозирги кунда Покистон Ислom Республикаси нафақат Жанубий Осиё минтақасида, балки халқаро миқёсда ҳам фаол ташқи сиёсат олиб бормоқда. Шу билан бирга, Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик қилиш Покистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланиб, минтақада ўз иштирокини мустақамлашга уринмоқда. Айтиш жоизки, Покистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги ташқи сиёсий фаолиятига имконият берувчи омилларни куйидагиларда кўриш мумкин:

-географик омил;

-минтақавий хавфсизликни таъминлаш масаласи.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Хусусан, Покистон Ислom Республикасининг географик жойлашуви кўплаб етакчи давлатларни, жумладан, Марказий Осиё давлатларини ҳам ўзига жалб қилиб келади. Чунки Покистон Яқин Шарқ, Марказий ва Жанубий Осиё малакатларини боғлаб туришга имкон берувчи қулай ҳудудни эгаллаган [1]. Покистоннинг мазкур жойлашуви Марказий Осиё давлатларига Ҳинд океани ва Араб денгизи савдо йўлларига (Карачи

ва Гвадар портлари орқали) чиқиш имконини бериши мумкин. Бундан ташқари, Покистон мазкур минтақанинг табиий ресурсларини Жанубий ва Ғарбий Осиёга ўтказувчи кўприк вазифасини бажаради. Ҳозирда Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларини боғлашда Покистоннинг денгиз портлари юқори аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Маълумки, Марказий Осиё минтақаси географик жойлашувига кўра, океан ва денгиз савдо йўлларига тўғридан-тўғри чиқиш имкони бўлмаган “ёпиқ” (*Land locked*) худуд ҳисобланади [2]. Бундай жойлашув мазкур минтақа давлатларига бошқа минтақа ва давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ички ишлаб чиқариш саноати маҳсулотларини диверсификация қилиш имкониятини сезиларли тарзда чеклаб қўймоқда. Оқибатда минтақа давлатлари савдо алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришда асосан Россия ҳамда Хитой бозорлари билан чекланишга мажбур бўлмоқда.

Расмий Исломобод Марказий Осиё давлатларининг ташқи транспорт-коммуникация коридорларига бўлган эҳтиёжини яхши англаб етади ва ушбу омилдан ўз иқтисодий манфатларини кўзлаган ҳолда фойдаланишга ҳаракат қилади. Хусусан, Покистон томони Марказий Осиё давлатлари билан мулоқотларда ўзининг Гвадар ва Карачи портлари имкониятлари юқорилиги ҳамда мазкур минтақа мамлакатлари улардан фойдаланишлари мумкинлиги ҳақида кўп бора таъкидлаб келишган. Бироқ юқорида айтганимиздек, Марказий Осиё мамлакатларини ушбу портларга тўғридан-тўғри олиб чиқувчи қуруқлик йўллари мавжуд эмаслиги ҳозирча бундай имкониятни бермаяпти.

Ушбу муаммоли вазиятни бартараф этиш мақсадида Покистон ҳукумати Жанубий ва Марказий Осиё ҳамда Хитой билан боғланишга хизмат қилувчи бир қатор лойиҳаларни ишга туширишга ҳаракат қилмоқда. Қолаверса, ҳозирда Покистоннинг бир қатор сиёсий партиялари “Покистонга 2025 йилда назар” лойиҳасини қуллаб-қувватладилар ва бу лойиҳа доирасида “Хитой-Покистон иқтисодий коридори” ишга тушиши ҳамда Покистон иқтисодиётини трансформация қилиш, шунингдек, келажакда Покистонни “Осиё йўлбарси” га айлантиришига ишонмоқдалар. Бундан ташқари, Покистон сиёсий доираларида Покистоннинг Пешовар шаҳри ва Афғонистоннинг Қобул шаҳарларини боғлаб турувчи автйўл лойиҳаси устида ишлар олиб борилмоқда. Ушбу йўл Покистонга Қобул орқали Марказий Осиёга боғланиш имконини бериши мумкин.

Покистоннинг минтақа давлатлари билан алоқаларида афғон омили катта аҳамиятга эга. Афғонистондаги беқарор вазият нафақат у билан чегарадош давлатларга, балки Жанубий ва Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигига асосий таҳдид сифатида сақланиб қолмоқда. Покистон ва Марказий Осиё давлатлари алоқаларини янада ривожлантириш учун тўғридан-тўғри боғловчи қуруқлик йўлларининг аҳамияти ортиб, бу ўз навбатида афғон муаммосини ижобий ҳал этиш масаласини кун тартибига олиб чиқмоқда (*Изоҳ: Айтиш жоизки, икки минтақа давлатлари Афғонистонни “муҳим транзитор” давлат сифатида баҳолаб, унда нобарқарор вазиятнинг бартараф этилишидан манфаатдор ҳисобланишади*).

Расмий Исломободнинг афғон конфликтига нисбатан нуқтаи назари ҳақида тўхталганимизда, Покистон афғон муаммосини ечишдаги ҳал қилувчи давлат эканлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Покистоннинг Афғонистон билан чегарадош худудларида жангари гуруҳлар кўним топган ва уларга қарши курашда Покистон ҳарбийларининг ўрни катта. Покистон афғон конфликтини ҳал этиш юзасидан ўтказилаётган ҳар қандай даражадаги

музокараларнинг фаол иштирокчиси бўлишга интилади. Бу эса минтақа давлатларига айнан “афғон” муаммосини юмшатиш натижасида ўз чегаралари дахлсизлигини таъминлаш масаласида қўл келиши мумкинлиги Покистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришга имконият берувчи омил сифатида намоён бўлмоқда.

Тўғри, 1990 йиллар охирига келиб Покистон-Марказий Осиё муносабатлари совуқлашишига олиб келган асосий сабаб ҳам айнан “афғон” масаласи бўлган эди. Чунки Покистон томонидан Афғонистонда “Толибон” ҳаракатини қўллаб-қувватланиши натижасида мазкур минтақа чегараларида таҳдидлар вужудга келиб, афғон билан чегарадош давлатларнинг эътирозига сабаб бўлган эди.

Ҳозирги кунга келиб Покистон ташқи сиёсатида терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда. Сўнгги йилларда Покистон армияси томонидан аксилтеррор операциялари тез-тез ўтказилмоқда. Бу эса Марказий Осиё мамлакатлари томонидан ижобий баҳоланиб, ўз ташқи сиёсатларида Покистонга нисбатан илиқлик ва қўллаб-қувватлаш жараёнини кучайтириши табиий.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Покистоннинг Марказий Осиё минтақасида олиб бораётган ташқи сиёсий фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатувчи “етакчи давлатлар” омили ҳам мавжуд бўлиб, бу қайсидир маънода ижобий ёки салбий кўринишда намоён бўлади. Етакчи давлатлар омили сифатида минтақадаги ўз манфаатлари учун доимий равишда курашиб келаётган Россия, Хитой, АҚШ, Ҳиндистон ва Эрон каби давлатларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Хусусан, Россия Федерацияси мазкур минтақа давлатлари билан мустаҳкам алоқаларга эга. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлиш билан бир қаторда, уларнинг стратегик ҳамкори саналади. Бундан ташқари, минтақанинг баъзи давлатларида Россия ҳарбий базаларининг мавжудлиги ва бошқа жиҳатлардан олиб қаралганда Москванинг ушбу минтақадаги иштироки расмийлар ва экспертлар томонидан юқори баҳоланиб келинади.

Россия ҳукумати терроризм, диний экстремизм ва наркотик моддаларнинг жанубий томондан кириб келишига қарши туриш мақсадида Марказий Осиё давлатлари, Афғонистон ҳамда Покистон билан ҳамкорлик қилиш масаласига катта эътибор қаратмоқда. Бунга мисол сифатида Россиянинг Тожикистон (*201-дивизия*) ва Қирғизистондаги (*Кант*) ҳарбий базаларини айтиш мумкин [3]. Шунингдек, Россия Афғонистон ҳарбий кучларига ўз ҳарбий қурол-яроғларини етказиб бериш орқали афғон армиясини кучайтиришда иштирок этмоқчи. Россия манфаатлари кесимида Покистоннинг мазкур минтақадаги иштироки қуйидагича баҳоланади:

Биринчидан, Россия томони Покистоннинг Афғонистондаги вазиятга таъсир эта олиш имкониятларини яхши тушунади ва айнан шу омил Покистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалари ривожланишида (асосан хавфсизлик масаласида) Россиянинг ижобий муносабат билдиришига сабаб бўлиши мумкин.

Иккинчидан, Россия Ҳиндистон ва Покистон ўртасида кучлар мувозанатини сақлаш мақсадида минтақада Покистонни қўллаб-қувватлаши эҳтимоли мавжуд. Чунки Марказий Осиёда Ҳиндистоннинг иштироки Покистонга нисбатан юқори кўрсаткичга эга. Ўз навбатида минтақада Покистон иштирокининг ортиши Ҳиндистон билан (азалий рақиб) рақобатни юзага келтиради ва бу Россия манфаатларига мос тушиши мумкин.

Учинчидан, Россия МО минтақасида Покистон иштирокининг ортишини савдо-иқтисодий масалаларда (энергетика) ва транспорт-коммуникация соҳаларида ўзига рақобатчи сифатида кўриши эҳтимолдан йироқ эмас.

МУҲОКАМА

Сўнги йилларда Хитой Марказий Осиёда ўзининг ташқи сиёсатида иқтисодий ҳамда “юмшоқ куч” воситасидан кенг фойдаланган ҳолда мустақкам ўрин тутиб келмоқда. Мазкур давлат МО давлатлари билан юқори даражадаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва ҳарбий ҳамкорликни амалга ошириб, минтақада ўз мавқеини мустақкамламоқда. Бундан ташқари, Хитой ва Покистон муносабатлари юқори даражада илиқлик билан олиб борилиб, Хитой Покистоннинг асосий “ҳомий” давлати сифатида йирик иқтисодий лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Хусусан, “Хитой-Покистон иқтисодий коридори”ни бунга мисол қилиб айтиш мумкин. Бундан ташқари, Хитой Покистоннинг Гвадар порти қурилишига 46 млрд. АҚШ доллари миқдоридан инвестиция киритиб, Покистон иқтисодиёти ривожланишига катта хисса қўшмоқда [4]. Қолаверса, икки мамлакат стратегик ҳамкор ҳисобланади ва Ҳиндистон билан қарама-қаршиликларда Покистонни қўллаб келмоқда. Шу муносабат билан, Покистоннинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсий фаолиятининг истиқболлари Хитой манфаатлари кесимида қуйидагича намоён бўлиши мумкин:

Биринчидан, Покистоннинг мазкур минтақада фаоллашуви натижасида Хитой илгари суриб келаётган транспорт-коммуникация лойиҳаларининг амалга ошиши ва янада ривожланиши Хитой учун ижобий аҳамият касб этади.

Иккинчидан, Хитойнинг Шинжон-Уйғур автоном районида мавжуд бўлган сепаратистик ва экстремистик ҳаракатларга “донор” бўлиб келаётган Афғонистондаги деструктив гуруҳларга қарши Покистон ва Марказий Осиё давлатлари (бундай ҳаракатлар ШХТ доирасида ҳам кузатилади) ёрдамида кураш олиб бориши имкониятининг ортишига олиб келади.

Покистоннинг Марказий Осиё минтақасида иштирокининг ортишига Америка Қўшма Штатлари томонидан билдирилаётган муносабат ижобий кўринишда бўлиши мумкин. Сабаби 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг АҚШнинг Афғонистонга кириб келиши ва терроризмга қарши курашишда таянч нуқта сифатида Покистон билан стратегик ҳамкорликни йўлга қўйиши ҳозирги кунда ҳам АҚШ манфаатлари доирасида Афғонистон ва Покистон аҳамиятининг сақланиб қолишига олиб келмоқда. Шу омилларни инобатга олиб, Покистоннинг минтақадаги иштирокининг ривожланишида АҚШ манфаатлари доирасида қуйидагича баҳолаш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, Покистоннинг Марказий Осиёда иштирокини ортиши асносида ушбу минтақада Россия ва Хитой таъсирининг нисбатан камайишига эришиш эҳтимолининг мавжудлиги;

Иккинчидан, Покистон ҳукумати АҚШ томонидан илгари суриб келинаётган энергетик лойиҳаларнинг (ТАПИ ва CASA-1000) [5] ижрочиси сифатида мазкур минтақада унинг мавжуд бўлиши АҚШ учун ижобий аҳамиятга эгадир.

Покистоннинг Марказий Осиё минтақасида фаоллашуви Жанубий Осиё минтақасининг яна бир етакчи давлати Ҳиндистон манфаатларига зид келади. Чунки, Покистон ва Ҳиндистон ўртасида сақланиб келаётган кўп йиллик низоли муносабатлар

оқибатида икки давлат бир-бирига халқаро муносабатларда рақобатчи бўлиб қолишига олиб келмоқда.

Бунинг натижасида Покистоннинг мазкур минтақада сиёсий ва иқтисодий томондан ўз ўрнини яхшилашга интилиши Ҳиндистон томонининг кескин қаршилигига учраши тахмин қилинмоқда. Бундан ташқари, Марказий Осиё минтақасида Ҳиндистоннинг иштироки Покистонга нисбатан сезиларли даражада мустақамрок. Шундан келиб чиқиб, минтақада Покистон иштирокининг ортишига Ҳиндистон муносабатини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, Ҳиндистон ўзининг ташқи сиёсатида Покистонни стратегик рақиб деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, Ҳиндистон Марказий Осиёда ўзининг геостратегик манфаатларига эга бўлиб, рақибининг мазкур минтақада фаоллашуви Ҳиндистон учун янги кўринишдаги рақобатни юзага келишига сабаб бўлади.

Иккинчидан, Ҳиндистон Марказий Осиё давлатларига тиббиёт жиҳозлари ва фармацевтика маҳсулотларини экспорт қилишда етакчи ўринни эгаллайди [6]. Ўз навбатида, Покистонда ҳам ушбу соҳалар анчайин ривожланган бўлиб, минтақа бозорларига катта ҳажмда олиб кирилмоқда. Бу эса, Ҳиндистон учун савдо-иқтисодий соҳада зарба бўлиши эҳтимоли мавжуд.

Учинчидан, Ҳиндистон Покистон билан мавжуд ҳудудий ва сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича низоларда Марказий Осиё давлатларининг ўз позициясини қўллаб-қувватлашига эришмоқчи.

Бундан ташқари, мазкур минтақада фаол ташқи сиёсат олиб бораётган Эрон Ислом Республикаси ҳам Покистоннинг мазкур минтақада иштирокининг ортишини ўз манфаатлари доирасида салбий қабул қилиши мумкин. Чунки Эрон ва Марказий Осиё давлатлари савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва энергетика соҳаларида мустақам муносабатлар олиб бормоқда. Айниқса, минтақа мамлакатлари ўз маҳсулотларини денгиз йўлларига олиб чиқишида Эрон ҳудуди муҳим ўринни эгаллайди.

Покистоннинг мазкур минтақада иштирокининг ортишига Эрон томонининг муносабати қуйидагича изоҳланади:

Биринчидан, Эрон ва Покистон ўртасида сақланиб келаётган совуқ муносабатлар сабабли, Покистоннинг минтақадаги фаоллашуви Эрон томонидан салбий қабул қилиниши мумкин.

Иккинчидан, Покистон томони Туркменистон ва Афғонистон билан амалга оширишга ҳаракат қилаётган энергетик лойиҳалар (ТАПИ) Эрон манфаатларига зид келиши (*Изоҳ: Айтиш жоизки, Эрон газини экспорт қилиш бўйича Эрон-Покистон-Ҳиндистон лойиҳаси мавжуд*).

Учинчидан, Марказий Осиё ва Афғонистонда ишлаб чиқарилган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқишда Эроннинг жанубида жойлашган Чобаҳор порти орқали амалга оширишга қаратилган Эрон-Афғонистон-Ҳиндистон келишуви Покистон манфаатларига салбий таъсирини вужудга келтиради.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, Покистоннинг Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан режалаштирилган кўплаб лойиҳа ва шартномаларни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи асосий омиллар сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

-Покистон Ислом Республикаси ва Марказий Осиё минтақаси давлатларини ўзаро боғлаб турувчи хавфсиз транспорт-коммуникация коридорларининг мавжуд эмаслиги;

-ташқи ва ички кучларнинг рақобати кучайиши натижасида Афғонистондаги харбий-сиёсий вазиятнинг янада оғирлашиши;

-Покистон-Ҳиндистон ўртасидаги совуқ муносабатларнинг сақланиб қолиши ёки унинг янада ривожланиши эҳтимоли;

-Жанубий ва Марказий Осиё минтақасини боғлаб турувчи энергетик лойиҳаларни амалга оширишда Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ишончсизликнинг (яъни ушбу лойиҳалар амалга ошса Покистон томони Ҳиндистонни тийиб туриш мақсадида ундан “дастак” сифатида фойдаланиши мумкинлиги Ҳиндистонни ташвишга солмоқда) мавжудлиги.

REFERENCES

1. Москаленко В., Топычканов П. Сила и слабость Пакистана // Московский центр Карнеги Москва-2013, Б 16.
2. Javaid U., N.Nassem Prospects of Pakistan-Central Asia Economic Relations // Journal of Political Studies, 2014. 10 p.
3. Russia Voices Aim to Increase Combat Readiness at Bases in Central Asia by Catherine Putz, 20.08.2022. // <https://thediplomat.com/2022/08/>
4. <https://cres.gov.pk/>
5. Акматалиев А.М. Реализация Энергетических проектов CASA-1000 и ТАПИ в рамках инициативы новый шелковый путь США // Вестник Томского государственного университета Философия. Социология. Политология. 2016. №3 (35). – С. 126-136.
6. Ўзбекистон – Ҳиндистон: ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва мавжуд муаммолар // <https://www.uzanalytics.com/iqtisodiet/10041/>